

18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



13:42 / 18.11.2023 2770

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги навбатдан ташқари VII сессиясида тасдиқланган Давлат байроғи - мамлакат давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади.

Бу йил «**Давлат байроғи тўғрисида**»ги қонуни қабул қилинганлигига ўттиз икки йил тўлди.

Шеърят

Ватан байроғи

Юрт байроғин ҳар жойгамас,
Кўнглиннга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур,
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб.
Токи ғаним — ватанхўрлар,
Ололмасинлар суғуриб.

Шундай ўргат қулни, хонни,
Учмас қуш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.

Ҳалима Худойбердиева